



PRINCIPLES OF DEVELOPING SUPPLY OF INNOVATIVE LINGUODICAL TASKS IN CHINESE LANGUAGE

Shasaidova Lola Shamaksudovna¹

¹ Doctor of philosophy (PhD) pedagogical sciences

Uzbekistan State University of World Languages lshasaidova@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4899620>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021

Accepted: 25th May 2021

Online: 30th May 2021

KEY WORDS

Chinese language, oral speech, linguistic aspects, types of speech activity, art technology.

ABSTRACT

This article is devoted to the principles of developing methodological support for innovative linguo-didactic game tasks with a functional approach aimed at developing students' oral speech in teaching Chinese based on the integration of language aspects and the types of speech activities through art technologies (drama therapy, video therapy, psycho-gymnastic exercises) and visual organizers .

ХИТОЙ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ЛИНГВОДИДАКТИК ЎЙИН-ТОПШИРИҚЛАР ТАЪМИНОТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Шасайдова Лола Шамаксудовна¹

¹ педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети lshasaidova@gmail.com

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021

Ma'qullandi: 25-May 2021

Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

хитой тили, оғзаки нутқ, тил аспекти, нутқ фаолияти турлари, лингводидактик ўйин-топшириқ, инновацион арт-технологиялар.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақола хитой тилини ўқитишда талабалар оғзаки нутқини ривожлантиришга йўналтирилган, функционал ёндашувга эга тил аспекти ва нутқ фаолияти турлари интеграцияси асосида инновацион арт-технологиялар (драматерапия, видеотерапия, психогимнастик машқлар) ҳамда визуал органайзерлар орқали лингводидактик ўйин-топшириқлар таъминотини ишлаб чиқиш тамойилларига қаратилган.

Лингводидактик ўйинли топшириқ хитой тилини ўқитишда мотивацияни ошириш усули бўлиб, ўйин фаолияти, мусобақаланиш имконияти ёрдамида нутқ ва фикрлаш фаолиятига доир комплекс

ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини беради. Хитой тилини ўқитишда энг самарали лингводидактик ўйинлар мустақил ўрганиш тамойилига кўра ишлаб чиқилган бўлиб, таълим олувчиларни нутқ



кўникмаси ва малакаларни эгаллашга йўналтириб бориши керак.

Хитой тилини ўқитиш икки компонент: керакли маълумотни йиғиш ва тўғри қарор қабул қилишдан иборат бўлиб, улар таълим олувчиларнинг лингводидактик тажрибаларини таъминлаб беради. Лингводидактик ўйинларнинг қиймати таълим олувчиларда қандай таассурот қолдиришига қараб эмас, у ёки бу мақсаднинг самарали ечимига қараб баҳоланади.

Хитой тили машғулотларига жорий қилиниши тавсия қилинадиган лингводидактик ўйин-топшириқларни ишлаб чиқишда чет тил ўқитишдаги куйидаги умумдидактик ва методик тамойилларга таяниш жоиз:

Шахсга йўналтирилганлик тамойилига биноан талаба фикрловчи ва мустақил ҳаракат қилувчи индивид сифатида қаралиб, унинг таълими ижодий ва эркин фикрлашга, турфа олам манзарасини яхлит яратиш, ўз ўқув фаолиятини онгли режалаштириш кўникмасини ривожлантириш, шахсий ривожланиш динамикасини англаш ва мустақил таълим олиш фаолиятига йўналтирилади. Бунда ўқув жараёнларининг барча иштирокчилари ўзаро тенг ҳуқуқли муносабатда бўлиши, ўқув жараёнлари сифати ва самараси учун талаба ўқитувчи билан тенг масъул бўлиши кўзда тутилади. *Онглилик тамойилида* талаба нимани нима мақсадда бажараётганини англаши даркор. Ўрганилаётган ҳодисани англаш: 1) коммуникатив нутқий вазиятлар; 2) қоида ва йўриқномалар; 3) тил материалидаги характерли белгиларни ажратиб кўрсатиш; 4) кўргазмалилик; 5) контекст ёки бошқа тил воситаларидан синоним, антоним, сўз ясаш элементлари орқали амалга оширилади.

Фаоллик тамойили ўқитувчининг талаба фаолиятини бошқариш, нутқий фаоллигига шароит яратишда ишнинг турли шаклларида (жамоавий, жуфт ва кичик гуруҳларда) фойдаланишга йўналтирилган. Махсус тарқатма материаллар ва шахсга йўналтирилган вазифалар ишнинг жамоавий ва якка шаклларини мослаштиришда муҳим ҳисобланади.

*Кўргазмалилик тамойили*ни лисоний ва экстралингвистик материални яхши тушуниш, ўзлаштириш ва нутқ фаолиятида қўллаш мақсадида махсус ташкиллаштирилган намоёниши сифатида талқин этиш мумкин. Мазкур тамойил тил ва тилсиз ифода шаклига эга бўлиб, хитой тили машғулотларида оғзаки нутқни ривожлантиришда катта аҳамият касб этади ва жараёнда нафақат доска, балки мультимедия, кўшиқ, мусиқа, ўқув фильмлари ва бошқа воситалардан фойдаланилади. Ўқитувчи ёки диктор воситасида хитой тилида тон (оҳанг) ва товушлар талаффузини кўрсатиб бериш, жумла ёки матнлар тузишда режа, калит сўзлар ёки ёрдамчи элементлардан фойдаланиш, шунингдек, мулоқот вазиятларида нутқий хулқий кўргазмалиликни таъминлаш кўргазмалилик тамойилининг етакчи компонентлари деб ҳисоблашимиз мумкин. *Коммуникатив йўналтирилганлик тамойили* мазмунини хитой тилини ўқитишда талабаларни маданиятлараро мулоқотда тенг ҳуқуқли ва автоном равишда иштирок этишга ҳамда ўқитишни мулоқот учун табиий ёки максимал яқин шароитларда олиб боришга қаратилган деб тушуниш мумкин. Мазкур тамойил ўқув материалини танлаш ва ташкиллаштириш, шунингдек, тематика, мулоқот қўлами ва вазиятларини режалаштиришни белгилаб беради.



Ижтимоий-маданий ва коммуникатив-когнитив йўналтирилганлик тамойили хитой тили воситасида шахснинг нутқий ва маданий камолотга етишини, бунда ўз миллий маданияти хусусиятларини англай олиши, ўзга маданиятга кириша олиши, ўзга маданият вакиллари билан тил топиша олиши ва толерант муносабатда бўлишини таъминлайди.

Ташкилий структур тамойилига кўра лингводидактик ўйин-топшириқлар 2 та асосий гуруҳга ажратишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

1. Мусобақалашуш хусусиятига эга бўлган ўйинлар. Мазкур ўйинлар миқдорий мезонлар (машқ ва топшириқларни ким кўпроқ, ким тезроқ, ким тўғрироқ, ким беҳато бажаради) ва сифат мезонларига (нутқ намуналарини ким аниқроқ, ким кизиқроқ, ким ўзгачароқ айта олади) асосланади. Мазкур типдаги ўйинлар ўқитиш мақсади, тил материали, ўйин мазмуни, хусусияти, қўлланиладиган реkvизитларга кўра яна бир қанча турларга бўлинади.

2. Турли вазиятли ижро этиладиган ўйинлар: ролли ўйинлар – нутқ фаолияти турлари аввалдан белгилаб берилган ижтимоий, шартли характердаги муммоли вазиятлар ижро этилади; драматизация – тайёр сценарий асосида ижро этиш каби ўйинларни киритиш жоиз.

Лингводидактик ўйинлар хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантириш жараёнида нутқ кўникмаларини амалда қўллашга эришиш, тилни англашни шакллантириш, тил ҳодисаларини тизимлаштиришга имкон яратади. Лингводидактик ўйин-топшириқларда талабаларда тил бирликлари белгиларини киёслаш, дифференциаллаш малакасини шакллантириш, шунингдек, мазмун ва шаклининг моҳиятини англаган ҳолда лингвистик ва коммуникатив

компетенцияни шакллантиришга қаратилган шароитлар ўз ифодасини топган. Ўйин-топшириқлар хитой тили фан дастурида белгиланган тил аспектлари ва нутқ фаолияти турлари (гапириш ва тинглаб тушуниш) материалларини муайян изчилликда тўла қамраб олиши керак.

Лингводидактик ўйин топшириқларни ишлаб чиқишда ўйинларнинг психологик, лингвистик ва методик жиҳатлари албатта инобатга олинади.

Ишлаб чиқилган лингводидактик ўйин-топшириқларнинг барчаси ўйинларнинг мазмуни ва ташкиллаштириш тамойилларини мажозий маънода ифодовчи қизиқарли номланишга эга бўлишлари керак. Масалан, биз муаллифлифлик ўйинларини “Хитойча муҳаббат”, “Топилмалар идораси”, “Занжирли хикоя”, “Дубляж устаси” каби жозибадор номлар билан атадик.

Хитой тилини ўқитишда талабаларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришга йўналтирилган ўйин-топшириқларнинг методик таъминоти тил аспектлари ва нутқ фаолияти турлари интеграцияси асосида инновацион арт-технологиялар (драматерапия, видеотерапия, психогимнастик машқлар) ҳамда визуал органайзерлар орқали ишлаб чиқиш тавсиясини берамиз.

Арт-технология (ингл. art – санъат, маҳорат) замонавий таълимда қўлланиладиган янги йўналиш бўлиб, унинг асосини санъатнинг у ёки бу тури ташкил этади. Мазкур технологиянинг қуйидаги турларидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Драматерапия – драматизация, импровизация, имитация, инсценировка шаклида бирон сюжетни ижро этиш.

Видеотерапия – кино, кўрсатув, видео лавҳа ёки реклама роликларини кўриб,



овозлаштириш ундаги сюжет, актёр, реалаяларни муҳокама, таҳлил, доклад қилиш ва ҳ.к.

Психогимнастик машқлар. Бу оғзаки ва ёзма, вербал, новербал машқлар бўлиб, тафаккурни кенгайтириш, тез фикрлаш, миядаги керакли ахборотни тезда ажратиб олиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилиб, бир муаммони қабул қилишнинг янги жиҳатларини очиб бериш имкониятини яратади.

Шунингдек, ўйинларда қўлланилган кўргазмали воситалар, расмлар, чизмалар, символлар ўйинларни мантиқий ташкиллаштириш ва эстетик каби вазифаларни бажаради. Аксарият ўйинларда хитой халқининг географик,

ижтимоий-маданий ҳаёти, менталитети, урф-одатлари, нутқ этикети формаларини мужассам этган аутентик материаллардан тез айтишлар, тўртликлар, иборалар ва фон билимлари акс этган расмлар ҳамда бошқа кўргазмали воситалардан фойдаланишни мақсадга мувофиқдир.

Дидактик таъминотни ишлаб чиқишда ахборот воситаларини яратиш, сақлаш, тасвирлашда қуйидаги замонавий ахборот технологиялардан фойдаланишни таклиф этамиз.

Хитой тилида инновацион лингводидактик ўйин-топшириқларни ишлаб чиқишда ахборот технологияларининг дастурий таъминоти

1	百度Baidu,	Хитойча тармоқ қидирув тизими
2	腾讯 TENGXUN	Tencent хитой тилидаги энг йирик интернет портал
3	优酷 Youku	Видеохостинг хизматларини тақдим этувчи хитой сервис
4	baike.baidu	Байду энциклопедияси
5	zh. Wikipedia	Хитой Википедияси
6	wenku.baidu	Байду онлайн кутубхонаси
7	cidian.51240	Замонавий хитой тили онлайн луғати
8	bkrs.info	БКРС онлайн луғати
9	zhonga.ru	Жонга онлайн луғати

10	CCL. 语料库检索系统。北京大学中国语言学研究中心 https://ccl.pku.edu.cn:8080/ccl_corpus/index.jsp?dir=xiandai.	Пекин университети хитой лингвистик маркази хитой тили лингвистик корпуси сайти
----	--	---

Ҳар бир лингводидактик ўйинда ўйин мақсади, ўйинга тайёргарлик, ўйин қоидаси аниқ берилиши, “Эътибор беринг!” рукни остида ўйинларни ташкиллаштириш, мураккаблаштириш ва содаллаштириш бўйича тавсиялар бериш муҳим.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ўйин ўрганилаётган материални турли вариант ва вазиятларда такрорлаш орқали ёдда сақлашни фаоллаштириш; ўрганилаётган материални умумлаштириш ва тизимлаштириш; ўқув материални эгаллаганлик даражасини назорат қилиш ва



баҳолаш; талабаларнинг нутқ ва ўқув фаолиятига киришишларида рағбат мотивини шакллантиришга қаратилган бўлиши, уни хитой тилини ўқитишда тўғри

ва самарали қўллаш имкониятини яратади [6., Б.89-96]

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. 刘富华, 刘立成, 汉语作为第二语言教学研究.北京. 北京语言大学出版社. 2014. – 190 页. Лю Фухуа, Лю Личэн. Хитой тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш бўйича тадқиқотлар. – Пекин: 2014. –190 б.
2. 刘上魏, 张冬秀, 孙熙春编著 对外汉语教学理论与实务. – 北京: 清华大学出版社, 2017. – 238 页. Лю Шанвэй., Чжан Дунсю., Сунь Сичунь. Хитой тилини чет тили сифатида ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Пекин: Чинхуа Университети нашриёти, 2017. – 238 б.
3. 李珠, 姜丽萍 著. 怎样教外人汉语. 北京语言大学出版社– 2008 – 256页. Ли Чжу, Цзян Липин. Хитой тилини чет элликларга қандай ўқитиш лозим. – Пекин: Пекин тиллар университети нашриёти, 2008. – 256 б.
4. 冯李林. 教学的游戏性研究. 博士学位论文. 湖南. 2008. 188页. Фенг Лилин. Таълимдаги ўйин фаолияти. Пед. фан. д-ри. дисс. ... – Хитой, 2008. – 188 б.
5. 周建. 汉语课堂教学技巧325例. 北京 :商务印书馆出版社. 2009. – 405页. Чжоу Цзянь. Хитой тилида дарс ўтишининг 325 маҳорати. – Пекин: Тижорий нашриёт, 2009. – 405 б.
6. Шасаидова Л.Ш. Хитой тилида оғзаки нутқни ривожлантириш усуллари (ўйин методлари асосида) : Пед. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) ... дисс.. –Т.: 2020. – 155 б.